



ТАСЛИКЛАЙМАН:

Бағдод тумани мактабгача таълим
бўлими мудири

О.Зияева

2022й.

БУЮРТМАЧИ:

**Фарғона вилояти Бағдод тумани мактабгача таълим
бўлими**

**Фарғона вилояти Бағдод тумани мактабгача таълим
бўлими тасарруфидаги 56 – сонли мактабгача
таълим муассасаси биносига қуёш қуввати 4 кВтгача
бўлган электростанциясини (ON GRID тизими)
жиҳозларини олиб келиш ва ўрнатиш**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Бағдод тумани -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2018 йил 9 апрелдаги №472-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Шартнома асосида Фарғона вилояти Бағдод тумани мактабгача таълим бўлими тарсарруфидаги 56 – сонли мактабгача таълим муассасаси биносига куёш қуввати 4 кВтгача бўлган электростанциясини (ON GRID тизими) жиҳозларини олиб келиш ва ўрнатиш.

1.2. Танлов охирги қиймати – 44 000 000 (**қирк тўрт миллион**) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича қолиб чиққан таъминотчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Асосий воситаларни етказиш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 7 кун.

1.5. Асосий воситаларни етказиш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Фарғона вилояти Бағдод тумани мактабгача таълим бўлими, (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Наманган вилояти, Учқўрғон тумани

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Фарғона вилояти Бағдод тумани мактабгача таълим бўлими биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, етарли иш тажрибасига эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

Иш тажрибаси;

ўз кучлари билан илгари етказиб берилган маҳсулотлар тўғрисида маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг ҳужжатлари, хусусан, асосий воситаларни техник параметрлари билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида муружаат қилишга ҳақлидирлар.

Ҳисобчи:



Х. Ҳусеинов